

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 242 Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1890-1*

*(2010 йил 27 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги 75-сон буйруғи (рўйхат рақами 1890, 2009 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 17-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 6 июль,  
135-Б-сон

**Келишилди:**

*Фавқулодда  
вазирлар вазири*

*Т. ХУДАЙБЕРГАНОВ*

*2010 йил 22 июнь*

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари  
федерацияси Қенгаши раиси*

*Д. ЖАҲОНГИРОВА*

*2010 йил 22 июнь*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
миллий авиакомпанияси  
Бош директори*

*В. ТЯН*

*2010 йил 22 июнь*

*«Ўзмонтажмахсуқурилиш»  
уюшмаси раиси*

*А. ШАДИЕВ*

*2010 йил 22 июнь*